

12-28-2020

## LEARNING AND SPEAKING THE UZBEK LANGUAGE AS A FOREIGN LEARNING FOR SPEECH ACTIVITY PREPARATION

Begam Karaeva Candidate of Pedagogical Sciences  
*Moscow State Linguistic University, Moscow,*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Karaeva, Begam Candidate of Pedagogical Sciences (2020) "LEARNING AND SPEAKING THE UZBEK LANGUAGE AS A FOREIGN LEARNING FOR SPEECH ACTIVITY PREPARATION," *Philology Matters: Vol. 2020 : Iss. 4* , Article 10.

DOI: 10.36078/987654471

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss4/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Қараева Бегам

Москва давлат лингвистика университети ўзбек тили ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

### ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЧЕТ ТИЛ СИФАТИДА ЎРГАТИШДА ЎҚИШ ВА ГАПИРИШ НУТҚИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада хорижлик талабаларга ўзбек тилини иккинчи чет тил сифатида ўргатишда уларнинг ўзбек тилида ўқиш ва гапиришга ўргатиш масалалари ўрганилади. Таълим жараёнида нутқ фаолияти турларига ўргатишнинг мазмуни, шакллари, воситаларини тадқиқ қилиш, умумлаштириш ва муайян системага солинган. Мақоланинг объекти сифатида нутқ фаолияти турларини ўрганишдаги ҳозирги ҳолат, унинг моҳияти, таълим жараёнининг мазмуни, мазмуни ўрганиш бўйича анъанавий усуллар ва янги қарашларнинг қисқич ҳолати, уларнинг амалиётда қўлланилиши, ўқиш ва гапиришга ўргатиш бўйича янги замонавий технологиялар ҳақида атрафлича маълумот берилади. Шунингдек, талабаларнинг ўзбек тилида ўқиш ва гапириш бўйича билим ва малакаларини янада ошириш, уларнинг луғат бойлигини ўстириш, лингвимаданиятшуносликка оид билимларини кенгайтириш, монологик ва диалогик нутқларини ривожлантириш масалалари асосий вазифалар сифатида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ўқув жараёни, иккинчи чет тил, амалий машғулотлар, ўқиш, гапириш, оғзаки нутқ, монологик нутқ, диалогик нутқ, сўз, матн.

## Begam Karaeva

Candidate of Pedagogical Sciences, Teacher of the Uzbek Language at Moscow State Linguistic University

### LEARNING AND SPEAKING THE UZBEK LANGUAGE AS A FOREIGN LANGUAGE FOR SPEECH ACTIVITY PREPARATION

#### ABSTRACT

The purpose of the article is to study the issues of teaching foreign students to read and speak in Uzbek using the types of speech activities in teaching Uzbek as a second foreign language. The content, forms, means of teaching the types of speech activities in the educational process consists of research, generalization and systematization. The object of the article is the current state of the study of speech activities, its essence, the content of the educational process, the comparative status of traditional methods and new approaches to the study of the subject, their application in practice, new modern technologies for teaching reading and speaking and further development of students' knowledge and skills in reading and speaking in Uzbek, further development of their vocabulary, further expansion of their knowledge of linguocultural studies, development of monologue and dialogic speech.

**Key words:** studying process, second foreign language, practical lessons, reading, oral speech, monologue speech, dialogic speech, word, text.

Нутқий фаолиятнинг яна бир муҳим тури, бу – *ўқиш* жараёни бўлиб, тил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. *Ўқишга* ўргатиш ва унинг турлари бўйича ишлаш, *ўқиш* жараёнида тушунишни назорат қилиш бу фаолият тури бўйича олиб бориладиган амалий машғулотларнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Чет тилларни ўрганиш методикасида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунга қадар нутқ фаолияти турлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган кўплаб тилшунос олимлар нутқ фаолиятининг ўқиш турига алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Л.М. Шварц, Н.И. Жинкин, А.Н. Соколов, Р.М. Фрумкина, И.А. Зимняя, Б.А. Лapidус, Ж.Ж. Жалолов, С.К. Фоломкина, Г.В. Рогова, М.Е. Брейгина, А.В. Щепилова, Е.А. Маслыко, П.К. Бабинская, Т.Кудратов, У.Ҳошимов, И.Ёкубов, М.Ходжаев ва М. Қаҳҳорованинг илмий тадқиқотларида чет тилини ўрганиш жараёнида *ўқишга* ўргатиш, ўқиш турлари ҳақида ва *ўқиш* нутқ фаолиятининг асосий турларидан бири сифатида атроф-лича ёритиб берилган. Бу тадқиқотлар билан танишиб, чет тилни ўрганиш жараёнида ўқишга ўргатиш нутқ фаолиятининг мустақил бир кўриниши сифатида қаралаётганлигини ва ўқиш ўзининг муҳимлиги ва бажариш мумкинлиги жиҳатидан тил ўрганувчилар учун қулайлигини кўришимиз мумкин.

Айтиш мумкинки, ўқиш асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) мустақил ишлаш кўникмаларини юзага келтиради; 2) ўқиладиган матн ҳамиша эшитиш, гапириш ва ёзиш учун асос бўлади; 3) матн тарбиявий мақсадларни кўзда тутди (ахлоқ, дунёқараш, кадриятлар); 4) дунёқарашни кенгайтиради; 5) ўқишга қизиқишни орттиради.

Ўқиш бўйича кўзланган мақсадга эришиш учун тил ўрганувчиларни чет тилида барча услубларга хос адабиётларни ўқишга жалб этиш зарур. Ўқишнинг предмети, бу ўзгаларнинг фикри, ёзувда акс эттирилган ва уни тушуниш, кўриб қабул қилиш учун мўлжалланган матн. Чет тилни ўрганиш жараёнида ҳар бир маълумотни ўзлаштириш талабаларнинг шахсий қизиқишлари ва умумий дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда рўй беради, бу эса талабаларнинг ўқув жараёнига тезроқ киришишларида ёрдам беради. Шунинг билан бирга ҳар бир талабанинг бу пайтга қадар ўрганган билимлари, тажрибаси, фикрлаш даражаси ва индивидуал қизиқишларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Эшитиш қобилияти ёрдамида талабалар кўплаб сўзларни эслаб қоладилар, лекин шу билан бирга эшитиш жараёнида англаш қийин бўлган сўзларни ўқиш жараёнида яхши эслаб қоладилар. Мутахассисларнинг фикрларича, кўриб эслаб қолиш қобилияти кучлироқ бўлган талабалар учун ўқишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам ўқишни ўрганиш долзарб саналади.

Чет тилни ўрганиш жараёнида ўқишга ўргатиш М.Е. Брейгина, А.В. Щепиловаларнинг фикрича, нутқий фаолиятнинг энг асосий тури ҳисобланади. Муаллифлар *ўқиш* инсонларнинг ижтимоий-мулоқотлари доирасига кирувчи нутқий фаолият тури деб қарайдилар. Ёки бошқача қилиб айтганда, ўқиш — бу коммуникация фаолияти бўлиб, ёзма матнда бўлган ахборотни ажратиб олишга йўналтирилган бўлади, яъни ёзма матн орқали мулоқотни амалга ошириш усули дейиш мумкин. Ўқиш жараёни унинг асосий таркибини ташкил этувчи меха-

низмларга кўра иккига ажралади: ўқиш орқали ёзув кодини қабул қилиш ва матнни ўқиётган кишининг ёзилган матн мазмунини тушуниш ва уни ўзлаштиришга ёрдам берадиган механизмларни фаол ишга солиш [Жалолов Ж.Ж., 1996; 151].

Айтиш мумкинки, ўқишнинг бу икки жиҳати, яъни, матнда берилаётган хабарни кўз олдига келтириб қабул қилиш ва фикрлаш ёрдамида талаба ўзи кутган натижага эришиш учун бутун эътиборини ёзма матнга қаратади ва бу жараён бир қанча ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади. Талаба ўзининг ўқиш билан боғлиқ тажрибасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Чет тилини иккинчи чет тил сифатида ўқитилиши юзасидан олиб борилган тадқиқотларда ўқишга ўргатишнинг мақсади ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ўрганилаётган чет тилида бадиий ва ижтимоий-сиёсий мавзулардаги адабиётларни етарли даражада ўқиш зарурлиги ҳақида таъкидланади. Шунинг билан бир қаторда педагогика ва филологияга оид адабиётларни ҳам ўқиш тавсия этилади. Тил материали тавсия этиладиган матнлардаги сўзларни етарли даражада қамраб олиши зарур [Лapidус Б.А., 1980; 109]. Албатта, бу мавзулардаги адабиётларни ўқиш жуда кўплаб матнларни ва бу матнларга киритилган сўзларни қамраб олади. Бу эса сўз бойлигини оширишда ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Албатта, сўз ўзлаштириш ҳажми олиб борилаётган машғулотларнинг дастурларида кўрсатилган муайян меъёрларни ва даражадаги сўз ҳажмини ҳам ўз ичига олади.

Инглиз тилини иккинчи чет тил сифатида ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларда талаба охириги босқичга келиб, минимум 4500дан ортик сўзни ўзлаштириши талаб қилинади. Инглиз тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида талаба ўрганиши лозим бўлган, сўзлар тавсия этилаётган материалларнинг ўртача 94-95% қисмини қамраб олиши айтилган. Ўқиш жараёнида учраган нотаниш сўзлар эса 3-4 фоизни ташкил қилиб, талаба бу сўзларни таржима қилиш учун луғатларга мурожаат этиши қайд этилган [Лapidус Б.А., 1980; 111]. Бу тадқиқотлар битирувчиларнинг иккинчи чет тил бўйича тегишли маълумотларни тезлик билан маълумотномалар, луғатлар ёрдамида билиб олишлари зарурлигини талаб қилади.

Б.А. Лapidус олиб борган тадқиқотларда матнни ўқиш билан боғлиқ қуйидаги ҳолатларни ажратиб кўрсатади: 1) матн мазмунни умумий қамраб олган ҳолда ўқиш. Матнни ўқиётган талаба бир дақиқада 200та сўз ўқий олса, у матннинг асосий мазмунини тушуна олади; 2) одатдаги ўқиш. Бундай ўқиш давомида талаба бир дақиқада 150та сўзни ўқий олади ва ўқиш давомида нафақат матннинг асосий ғоясини тушуниб етади, шунингдек матннинг мантикий қурилишини, матннинг сюжети, яъни қисқача мазмунини ва асосий қисмларини эслаб қолади; 3) ўрганиб ўқиш. Бу ҳолатда ўқиш луғатлардан, маълумотлардан фойдаланишни назарда тутади, матнни ўқувчи иложи борица кўпроқ маълумот, ахборотни ажратиб олишга ҳаракат қилади, шунинг учун ҳам тез-тез тўхталиб, матн муаллифи фикрларини тушунишга ҳаракат қилади, баъзи ўринларда матнни таҳлил қилади [Лapidус Б.А., 1980; 112,113].

Чет тилни ўрганиш жараёнида ўқишга ўргатиш методикасида ўқишнинг

турлича кўринишларини ҳам ажратиб кўрсатадилар. Чет тилни ўрганишда ўқишга ўргатиш бўйича тадқиқотлар олиб борган С.К. Фоломкина томонидан тавсия этилган ўқишнинг кўринишлари жуда оммалашган ҳисобланади. Муаллиф ўқишнинг ўрганувчи, танишув, кўз югуртириб ўқиш, қидириб ўқиш ёки изланучанлик билан ўқиш каби турларини таклиф қилади. *Ўрганувчи ўқиш*да матндаги маълумотдан фойдаланиш учун диққат билан ўқиш ва уни эслаб қолиш назарда тутилади. *Ўрганувчи, танишув, кўз югуртириб ўқиш* ёки уни қараб чиқиш, қидириб ўқиш ёки изланучанлик билан ўқиш, матннинг муҳим қисмларига эътибор берган ҳолатда ўқишда бу ўқиш турларининг ҳар бири мулоқотга киришиш бўйича маълум бир вазифаларни бажаради [Фоломкина С.К., 2005; 177].

Ўқишнинг *ўрганувчи* тури ҳақида мулоҳазалар қилиб, *ўқиш* матнни тўлиқ тушуниш, матндаги асосий далиллар ва қўшимча маълумотларни тўлиқ ўзлаштиришни назарда тутати, дейиш мумкин. Ўқишнинг бу тури секинроқ кечади, чунки талаба эслаб қолишга ҳаракат қилади, зарур бўлганда матннинг қисмларини такрор ўқийди, баъзи сўзларни эса қайд этиб қўйиши ҳам мумкин, чунки у матннинг мазмунига чуқурроқ кириб боришни истайди.

С.К. Фоломкина тажрибасида гуруҳларга ажратилган ўқиш турларидан яна бири *танишиб ўқиш* эса, матндан асосий ахборотни ажратиб олишга қаратилган бўлади, бунда матнни ўқувчи талаба ахборотни тасаввур қилишга ҳаракат қилади, мавзу нима ҳақида эканлигини билишга ва ёзилган хабарда асосий мазмунни ажратиб олишга интилади, асосий далилларни ажратиб олиб, у қадар аҳамиятга эга бўлмаган қисмларни тушириб қолдиради. Муаллиф томонидан алоҳида таъкидланган ўқиш турларидан яна бири, матнни *кўз югуртириб ўқиш* ёки *уни қараб чиқиш* матндаги ахборот мазмуни ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун ўқилади [Фоломкина С.К., 2005; 177].

Юқорида санаб ўтилган ўқиш турларининг ҳар бири чет тилни ўрганиш жараёнида муайян ўқув топшириқларини бажаришда аҳамиятга эга бўлади.

Амалий машғулотларда олиб бориладиган *ўқишни* талабалар фаолиятидаги коммуникация, билиш жараёнининг муҳим тури дейиш ҳам мумкин. Бунда ўқишнинг вазифалари ҳақида тўхталишимиз мумкин. Нутқ фаолиятининг бу тури ёзувда акс эттирилган матндан зарур бўлган ахборотни ажратиб олишга йўналтирилган бўлади. Ўқишнинг турли хил вазифалари бор бўлиб, улар чет тилини ўрганишга, уни эгаллашга хизмат қилади, тил ва маданиятни ўрганишда восита вазифасини бажаради, ахборотлардан хабардор бўлиш ва таълим олишда ўз устида мустақил ишлаш воситаси ҳам ҳисобланади.

С.К. Фоломкина чет тилини ўрганишда асосий қилиб олинган тамойилларни қуйидагича ажратиб кўрсатади: 1. Ўқишга ўргатиш – бу нафақат ёзилган матнни оғзаки талаффуз қилиш, эшиттириш, балки нутқ фаолиятига ўргатишдир, яъни коммуникация жараёни ҳамдир. 2. Ўқишга ўргатиш билиш жараёни сифатида ташкил этилиши керак. 3. Ўқишга ўргатиш ўқувчилар учун рецептив фаолият бўлиши билан бирга репродуктив фаолият турини ҳам қамраб олиши зарур. 4. Ўқишга ўргатиш тил қурилишини ҳам ўрганишни, эгаллашни назарда тутати

[Фоломкина С.К., 2005; 179].

Айтиш мумкинки, ўқиш мулоқот фаолиятининг бошқа турларини ривожлантиришда ҳам ёрдам беради. Айнан чет тил воситалари ёрдамида талабалар дунёқарашининг кенгайишида, уларнинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожланишларида ўқишнинг ижобий таъсири катта бўлади.

Чет тилда ёзилган матнни ўқиб, уни тушуниш учун бу тилдаги фонетик, лексик ва грамматик белгилардан хабардор бўлиш (бўғин, урғу, мантикий урғу, эгалик, келишиқ қўшимчалари, шахс-сон қўшимчалари, кўплиқ шакли қўшимчаси, эга ва кесимнинг ва иккинчи даражали бўлақларнинг гапдаги ўрни, гапларнинг мазмунига кўра турлари сингари тушунчалар) матнни тезликда тушуниш учун имкон яратади.

Чет тилни ўрганишга кириша бошлаган дастлабки амалий машғулотлардан бошлаб, талабани ҳар бир товушни, сўзларни, гапларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш зарур. Талаба ҳар бир талаффуз қилинган сўз орқали маълум бир ахборотни, фикрни англай оладиган бўлиши, ундан фойдалана оладиган бўлиши ва уни баҳолай оладиган бўлиши керак.

Мактаб давридан бошлаб талабалиқ давригача уларда ўқиш бўйича маълум бир тезлик шакланган бўлади. Ўқиш тезлиги, ўқиш техникаси деганда, талабанинг нафақат товуш ва ҳарфларни тўғри талаффуз қилиши, балки сўзларнинг маъносини фарқлаб ўқий олиши ҳам муҳимдир. Ўқиш техникасини юқори даражада эгаллашгина, талабага бу матндан ўзига зарур бўлган ахборотни ажратиб олишга ёрдам беради. Тил воситаларидан хабардор бўлиш ҳам ўқиш жараёнида муҳим саналади.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар танишиб, уларда нутқ фаолияти турлари ҳақида айтилган, жумладан, ўқиш ҳақидаги фикрларни умумийлаштириб, хулоса қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, **ўқиш** – бу ёзма нутқни кўриб, у билан танишиб, бу матнни қабул қилишга йўналтирилган нутқ фаолияти турларидан бири.

Реал ҳолатда ўқиш жараёни, яъни кўриб қабул қилиш ва уни фикрлаш жараёни бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғлиқ ҳолда тезликда рўй беради. Ўқиш жараёнини таъминлайдиган билим ва кўникмаларни бир неча кўринишлари мавжуд. Ўқиш жараёнида кўз югуртириб ўқиш ва шу оралиқда тегишли ахборотни ажратиб олишга ҳаракат қилинади. Мутахассислар кўз ҳаракатларини кузатиб, уни асосан икки кўринишга ажратадилар: 1) матннинг бошидан охиригача кўз югуртириб ўқиш; 2) ўқиш жараёнида образни тасаввур қилишга ёрдам берадиган ҳаракатлар. Амалий машғулотлар давомида талабаларга ҳар бир сўзни тушуниб, сўз мазмунини тасаввур қилишни ўргатиш лозим.

Агар ўқиш билан боғлиқ бўлган нутқ механизмларига эътибор берадиган бўлсак, худди оғзаки нутқда бўлганидек, ўқиш жараёнида ҳам ўқилган нутқни эшита олиш, матннинг давомини фаҳмлай олиш, сўзларни хотирада сақлаб қолиш каби ҳолатлар муҳим роль ўйнайди. Бу ҳолатлар ҳар бир талабада ўзига хос равишда кечади. Ўқиш жараёнида нутқни эшита олиш, ёзилган матннинг товуш ва ҳарфлар тизимининг ўзига хослиги билан ҳам белгиланади.



Ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганиш кейинги йигирма йил ичида алоҳида бир йўналиш сифатида ўрганила бошланганини ҳисобга олсак, бу борада ўқув-илмий адабиётларнинг камлиги бу йўналиш мутахассислари олдида долзарб муаммоларни қўяди ва бу борада дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг ишлаб чиқилишини тақозо этади. Шундай уринишлардан бири, Москва давлат лингвистика университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари ҳамкорликда нашр қилинган “Ўзбекский язык для стран СНГ” дарслигида ҳам ўқиш машқларига алоҳида эътибор берилади. Унда ўқишга ва эшитиб ўқишга мўлжалланган машқлар тизими ишлаб чиқилган. Дарсликка илова қилинган аудиодискда монолог, диалог кўринишида берилган матнлар, ўзбек халқ мақоллари, ўзбек шоирлари ижодидан ўқилган шеърлар нутқ фаолиятининг эшитиш, ўқиш ва гапириш турларига мўлжалланган.

Ҳар бир тилни ўрганишда бўлгани каби ўзбек тилини чет тил сифатида ўрганувчилар учун нутқ фаолият турларидан бўлган ўқишни ўрганиш жуда зарур. Биринчидан, ўқиладиган матннинг нутқ услубларидан қайси бирида ёзилган бўлиши ҳам аҳамиятга эга. Ўқув дастурларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, биринчи босқичдаги илк дарслардан оқ сўзлар, гапларни ўқиш билан бошланади. Дастлабки ўрганиладиган, ўқиладиган сўзлар кундалик мулоқотда кўп қўлланадиган, турмуш тарзини акс эттирувчи оддий сўзлашув услубга ёки нейтрал услубга доир сўзлардан иборат бўлади.

Ўқишни бошлаш, сўзларни талаффуз қилиш учун ўзбек тили товушлар тизими билан танишиб чиққан ҳолда бошланади. Сўз урғуси, гапларда эса мантикий урғуни, гапдаги пауза ёки тиниш ҳолатларини, сўрок, ҳис-ҳаяжон ва буйруқ гапларнинг мазмунига эътибор берган ҳолда талаффуз қилиб ўқишга эътибор қаратилади. Бу ўринда ўқитувчининг намуна сифатида ўқиш жараёнини кўрсатиб бериши, аудиоматнларидан унумли фойдаланган ҳолда ўқишни давом эттириш ҳам матнни ўқишда маълум бир кутилган натижаларга олиб келади.

Ўзбек тилини ўқитишнинг кейинги босқичларида эса одатдагидек ўқишни амалга ошириш мумкин бўлади, яъни бир дақиқада 60-70 сўзни ўқий олиши, шунингдек, матннинг асосий мазмунини англай олиши, жумлалардаги муҳим фикрларни илғай олиш талаб қилинади.

Кейинги босқичларда эса ўқиш учун матнлар ҳам мураккаблашиб боради. Шу ўринда халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида ўзбек тилини иккинчи чет тил сифатида ўрганаётган гуруҳларда ўқиш учун матнлар ҳам уларнинг танлаган касб йўналишларидан келиб чиқиб матнлар танланади. Амалий машғулотларда нутқ фаолиятининг эшитиш, ўқиш, гапириш, ёзиш каби турларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб боришгина кўзланган натижага эришишга олиб келади.

Ўзбек тилини чет тил сифатида ўрганиладиган талабалар учун бугунги латин алифбоси асосида товуш ва ҳарфлар системасини ўзлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Биринчидан, улар учун биринчи чет тил сифатида ўрганиладиган инглиз тили алифбоси, товушларида баъзи бир ўхшашликларнинг борлиги қайси жиҳатдандир ёрдам берсада, улар учун она тили бўлган рус тили товуш

ва ҳарфлар системаси билан боғлиқ фарқлар ҳамда рус тилининг кирилл алифбосида эканлиги бу фарқларни ўзлаштиришда қийинчиликларни юзага келтиради. Ўқишга доир билим ва кўникмаларнинг шаклланган бўлиши чет тилини ўрганишнинг барча босқичларида энг муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ўқиш нутқ фаолиятининг рецептив турларидан бири ҳисобланади, инсонларнинг ижтимоий-мулоқот фаолияти доирасига киради, жамият аъзолари ўртасида ёзма мулоқот шаклининг амалга оширилишини таъминлайди.

Талабаларда мактаб даврида чет тилни ўрганишлари давомида нутқий фаолият турлари билан ишлаш бўйича муайян тажриба мавжуд бўлади. Уларда бирор чет тил бўйича ўқиш техникаси эгалланган бўлади. Ўзбек тилини иккинчи чет тил сифатида ўрганаётган талабалар гуруҳларида асосан инглиз тилини ўрганиш юзасидан тажрибанинг мавжуд эканлиги ҳам, талабаларнинг бу билимларни ўзбек тилини ўрганиш жараёнига татбиқ этишларига туртки бўлади. Шунга қарамадан, талабаларда янги бир чет тилни ўрганиш жараёни бошланганлиги учун ҳам, айнан шу тилда ўқиш техникаси устида ишлаш зарур бўлади. Юқорида келтириб ўтилган адабиётлар ва 2011–2020 йиллар давомида Москва давлат лингвистика университетида ўзбек тилидан олиб борилган амалий машғулотлар жараёнидаги тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, ўқишга ўргатишнинг қуйидаги тамойилларига амал қилиш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбек тилини чет тил сифатида ўрганиш жараёнида *ўқиш* нутқий фаолиятга ўргатишга йўналтирилган бўлиши керак.

2. Матнни ўқиш жараёни талабани қизиқтириши, муайян мақсадни ифодалаши, жалб этиши зарур ва матнлар талабалар учун қизиқарли ва келгусида танлаган касблари доирасидаги мавзуларни қамраб олиши зарур.

3. Ўқиш билиш жараёни бўлиши керак, матнлар мазмунли ва тушунарли, соддадан мураккабга қараб берилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Ўзбек тили сатҳлари бўйича зарур бўлган асосий билимларни чуқур ўзлаштирилгандагина ўқиш жараёни енгиллашади.

5. Ўқиш техникасини босқичма-босқич ривожлантириб бориш.

Талабаларнинг мактабда чет тилини ўқиш борасида эгаллаган тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртида иккинчи чет тилни ўрганиш бўйича илк дарсларданоқ нутқ фаолиятининг асосий турларидан ўқишга алоҳида эътибор берилади ва ўқиш бўйича амалий машқлар тизими тавсия этилади. Биринчидан, матнни ўқишнинг икки асосий кўринишини ҳисобга олиш зарур бўлади: яъни, матнни овоз чиқариб ўқиш ва уни овоз чиқармай, ёки бошқача айтганда, ўз ичидан ўқиш ҳақида айтиш мумкин. Дастлабки босқичда матнни ўқишнинг биринчи турида ўзбек тили товуш-ҳарф тизими, унли ва ундошларнинг талаффузи, урғу, мантиқий урғу устида ишлашга асосий эътибор бериш муҳим. Ўқиш юзасидан машқлар тавсия этилади, бу машқлар талаффуз билан боғлиқ бўлади. Ўқиш тезлигини ошириш учун тўғри талаффуз қилиш, ўзбек тили алифбосидаги ўзига хос *o', q, g', h* товушлари талаффузини яхши ўрганиш ҳам ўқиш техникасини янада яхшироқ эгаллашга ёрдам беради.

“Ўзбекский язык для стран СНГ” дарслиги ўзбек тилини ўрганишнинг



дастлабки босқичига мўлжаллангани учун ҳам дарсликда матнни ўқиш билан боғлиқ машқлар тизими берилган. Ўзбек тили нутқ товушлари мавзуси юзасидан ўқиш учун берилган машқларнинг шартлари рус ва ўзбек тилларида берилган ва бу топшириқлар куйидагилардан иборат: 1) сўзларни тўғри ўқиш; 2) талаффузга эътибор қилган ҳолда ўқиш; 3) сўзларни бўғинларга бўлиб ўқиш; 4) урғуни тўғри қўйилган ҳолда ўқиш; 5) ўзбек тилининг ўзига хос товушлари билан берилган сўзларни ўқиш; 6) сўзнинг мазмунини тушунган ҳолда ўқиш; 7) тез ўқиш; 8) ўзбек ва рус тилларидаги сўзларни қиёслаб ўқиш; 9) сўз ва гап урғусига эътибор берган ҳолда сўз бирикмалари ва гапларни ўқиш; 10) гапнинг ифода мақсадига кўра турларини фарқлаб, яъни, дарак гаплар, сўроқ гаплар, буйруқ гапларни ўқиш; 11) тез айтишларни ўқиш; 12) мақолларни ўқиш 13) шеърларни ўқиш; 14) гуруҳ аъзолари билан суҳбат матнларини ўқиш; 15) матндаги калит сўзларни ўқиш ва бошқалар. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида ўқиш ва таржима қилиш каби топшириқлар ҳам берилган. Бундан ташқари дарсликка илова қилинган дискдаги аудиоматнлар ҳам ўзбек тилини чет тил сифатида ўрганаётган талабаларнинг матнларни ўзбек тилида ўқишни ўрганишларида жуда қўл келади [Бакиева Г.Х., Караева Б.Х., Коршунова Е.Н., Краева И.А., Тешабаева Д.М., Фролова Г.М., 2012; 15-311].

Юқорида келтирилган топшириқларни ўқишнинг дастлабки босқичларида бериш мумкин. Албатта, ўқитувчининг ўқиб кўрсатиши, шунингдек, аудиоматнларни эшитишдан кейинги ўқиш, мураккаблаштирилган матнларни ўқиш, матннинг умумий мазмунини тушунган ҳолда ўқиш, матннинг асосий мазмунини тушуниб ўқиш, матндаги асосий қисмларни тушуниб ўқиш.

Ўзбек тилида матнни ўқиш билан боғлиқ топшириқлар нутқ фаолиятининг бошқа турлари эшитиш, гапириш ва ёзишни яхши ўрганишга ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда бутун дунёда глобаллашув ва мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнларининг кундан-кунга ривожланиб бораётган бир даврида чет тилларнинг мулоқот воситаси сифатида муҳим вазифани бажараётганлиги нутқ фаолияти турларини мукамал эгаллашни талаб қилмоқда. Чет тилдаги нутқни тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзув жамият аъзолари ўртасида мулоқотни амалга оширади.

Шу боис, жамият аъзолари ўртасида чет тилларни тўлиқ эгаллаш зарурати юзага келади ва чет тилларни мукамал ўрганиш кун тартибидаги долзарб масалалардан бирига айланди. Тил ўрганувчиларнинг чет тилларни қай даражада эгаллаганлиги, уларнинг чет тилда мулоқот қилиши ва мулоқот давомида нутқ фаолият турларидан қай даражада фойдаланишлари орқали синовдан ўтади.

Оғзаки ва ёзма мулоқот жараёнида ўз фикрини эркин баён эта олиш ҳар бир мутахассиснинг ўз соҳаси бўйича адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятдан қанчалик хабардор эканлигини кўрсатади. Шунингдек, чет тилда ўқиган адабиётлари ва мақолалари бўйича ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён қила олиш, ўз мулоҳазаларини билдира олиш, иш қоғозлари билан яхши таниш бўлиш бугунги мутахассис учун жуда муҳимдир.

Бўлғуси мутахассислар ўқиш жараёнида етарлича сўз бойлигига эга бўлиши, грамматик қоидаларни яхши ўзлаштириши, имтиҳон ва синовларни яхши топшириши мумкин, лекин чет тилда тезликда мулоқотга киришиш улар учун қийинчилик туғдириши мумкин. Нутқ фаолиятининг барча турлари бири-бири билан чамбарчас боғлиқ. Эшитиш орқали тушуниш, ўқиш ёрдамида матн мазмунини тушуниш, гапириш орқали мулоқотга киришиш ва ўз фикрини баён этиш, ёзув ёрдамида мулоқотга киришиш ва ўз мулоҳазаларини баён этиш амалга оширилади.

Чет тилни ўрганиш жараёнида нутқ фаолиятининг энг муҳим турларидан бўлган гапиришга ўргатишнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари, нутқ турлари, нутқнинг лексик, фонетик, грамматик ва стилистик жиҳатлари кўплаб рус ва ўзбек олимлари олиб борган тадқиқотларда атрофлича ўрганилиб, тадқиқ қилинган.

Б.А. Лapidуснинг таъкидлашича, гапиришга ўргатишнинг самарадорлигини таъминлаш учун нутқ фаолиятининг бу турига ўргатишнинг мақсади ва мазмунини етарлича аниқлаштириш зарур. Иккинчи чет тилни ўрганиш жараёнида монологик ва диалогик нутқни бирдек ўргатишнинг таъминланишига эришиш талаб қилинади, бунга эришиш учун ўқитиш методикасида қандай усулларни қўллаш мумкин? Нутқнинг бу икки турига ўргатиш масалаларини ҳал қилишда уларнинг ўзига хос жиҳатларинигина эмас, балки уларни бирлаштирувчи жиҳатларни, монолог ва диалог учун бирдек тааллуқли бўлган гап қурилиши механизмларини, гапларнинг кетма-кет келиши, жумлаларнинг бирдек қўлланишига эътибор бериш ўринлидир, шунингдек, муаллиф тил материалининг стилистик нуқтаи назардан иккинчи чет тилда гапиришга ўргатиш нейтрал услубга йўналтирилган бўлишини тавсия этади, бу эса монолог ва диалогларда юқори даражадаги китобий сўзларни ишлатишни инкор этмайди [Лapidус Б.А., 1980; 62-63].

XX аср чет тилларни ўқитиш методикасига оид манбаларда гапиришни ўргатишга доир машқлар тизими асосан икки гуруҳга ажратилган ва уларни тил-тайёрлов машқлари ва нутқ машқларига ажратиш анъанавий ҳисобланган. Фаннинг барча соҳаларида бўлгани каби чет тилларни ўқитиш методикасида ҳам ўзгаришлар ва ривожланиш, изланиш давом этапти. Шу сабабли, гапиришга ўргатиш бўйича машқлар тизими, гапириш механизмларининг чуқур тадқиқ қилиниши бу машқлар тизимидан бир неча босқичли машқлар тизими ишлаб чиқирилишини талаб қилади.

XX аср чет тилини ўқитиш методикасига оид адабиётларда гапиришга ўргатиш бўйича машқлар тизими асосан икки гуруҳга ажратиб келинган. Биринчи гуруҳга тил-тайёрлов машқлари, иккинчи гуруҳга эса нутқ машқлари киритилган. Бундай машқлар тизимини бугунги кунда ҳам қўллаш мумкин. Гапириш механизми ва унинг таркибий қисмларини кетма-кетликда таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кун методикасида бир неча босқичли машқлар тизимини қўллаш орқали нутқ фаолияти турларига, жумладан гапиришга ўргатиш осонроқ кечади.

И.В. Рахмановнинг «Чет тили ўқитиш методикасидаги асосий йўналишлар» ўқув қўлланмасида уч босқичли машқлар тизими нутқ фаолияти турларига ўргатишда жуда мос келиши ҳақида айтилади. Бу усуллар рецептив, репродуктив ва продуктив машқлар тизимлари ҳисобланади.

Гапириш – нутқ фаолиятининг оғзаки туридир, шунинг учун ҳам тинглаб тушуниш билан узвий боғланган ҳолда ўрганилади. Гапиришнинг турларига монолог, диалог ёки икки суҳбатдошнинг мулоқоти, шунингдек, полилог кўринишидаги бир неча иштирокчининг суҳбатини киритиш мумкин. Гапиришнинг ҳар уч тури ҳам эшитиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади [Рахманов И.В., 1980; 9].

Монолог бир ёки бир неча, шунингдек, сўзловчини эшитаётган кўп сонли тингловчилар эътиборига қаратилган нутқ. Ўқув жараёнида бундай нутқ ўқитувчининг нутқи, мавзу юзасидан талабанинг кенгайтирилган жавоби, ахбороти ёки маърузаларни киритиш мумкин. Монологик нутқ тузилиш жиҳатдан мураккаб эканлиги билан диалогик нутқдан фарқланади, чунки монологик нутқда фикр ниҳоясига етказилган кўринишда ифодаланади, айтилаётган ҳар бир гап, жумлалар кетма-кетликда, грамматик қоидаларга амал қилинган ҳолда баён қилинади. Монологик нутқнинг кириш, асосий қисм ва хулоса қисмлари бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши унинг диалогик нутққа нисбатан анча мураккаблигини кўрсатади. Монологик нутқни тез ўзлаштириб бўлмайди. Тил ўрганиш босқичларида соддадан мураккабга қараб олиб бориладиган машғулотлар, мустақил ишларни бажариш давомида монологик нутқлар ҳам мураккаблашиб боради.

Монолог бир неча кўринишларда ёки мазмунда бўлиши мумкин. Буларга оддий маълумот ёки ахборот бериш, таҳлилни баён этиш, бирор манзарани ёки портретни тасвирлаш, тавсифлаш, тавсия этиш сингари нутқ турларини келтириш мумкин. Ахборотни турли мазмунда бериш мумкин, баён этишнинг ҳам бир неча усуллари бор, тасвирлашда эса янада имкониятлар кўп, яъни бирор воқеа-ҳодисани, предметни, манзарани, портретни тасвирлаш мумкин. Агар уларнинг ичига яна ҳам чуқурроқ кириб бораверсак, биргина портрет тасвирини монолог тарзида гапиришда умумий портрет, ташқи ва ички томонларини тасвирлай олиш ва хулоса қилган ҳолда ўз фикрларини баён этиш ҳақида айтишимиз мумкин. Бу кўринишлардаги монолог турларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки баён этиш мумкин, лекин чет тилида гапиришга ўргатишни таҳлил қилар эканмиз, асосий эътиборни оғзаки нутқ кўринишига қаратишимиз мумкин, чунки ёзма нутққа ўргатишни нутқ фаолиятининг ёзувга ўргатиш жараёнида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Кўриниб турибдики, нутқ фаолиятининг барча турлари бир-бири билан боғлиқ жараённи ташкил этади. Монолог кўп ҳолатларда аниқ режалаштирилган ҳолда, олдиндан тайёргарлик кўрилган ҳолда амалга оширилади.

И.Н. Кузнецов оғзаки монологик нутқ – нутқий мулоқотга киришининг энг мураккаб кўриниши деб, ҳисоблайди. Муаллифнинг фикрича, монологик нутқ, маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда, тил воситасида инсонларга таъсир

этишдан иборат. Монологик нутқни баён этишдан мақсад биринчи навбатда, тингловчиларни хабардор қилиш [Кузнецов И.Н., 2007; 122–123].

Нутқ фаолиятининг суҳбат ёки диалог кўриниши икки суҳбатдошнинг тил воситасида мулоқот қилишидир. Кундалик турмуш тарзида олиб бориладиган суҳбатларда бундай нутққа олдиндан тайёргарлик кўрилмайди, бундай суҳбатлар давомида мавзу ўзгариб туриши мумкин, шунинг учун бундай суҳбат турларини олдиндан режалаштириб бўлмайди. Чет тилини ўрганиш жараёнида нутқий фаолият турларига ўргатиш бўйича амалий машғулотлар давомида бериладиган суҳбатлар эса муайян мавзуларда режалаштирилади.

Кейинги йиллари олиб борилган тадқиқотлардан бири – И.А. Бредихининг нутқий фаолият турларига ўргатиш бўйича олиб борган изланишларида гапиришнинг тавсифи, гапиришга ўргатиш технологияси, оғзаки мулоқот учун машқлар таҳлил қилинади ва нутқнинг монологик ва диалогик кўринишларига алоҳида эътибор қаратилади. Муаллиф томонидан гапиришнинг ташқи тусилиши бир неча қисмларга ажратилади. Биринчидан, мотивацион таъсир этиш. Бу эҳтиёж, заруриятнинг юзага келиши, нима учун айтиш кераклиги, суҳбатдошнинг таъсир этиши ва ундашдан иборат, дейиш мумкин. Иккинчидан, таҳлилий-синтетик жараённинг юзага келиши. Бу жараёни нутқнинг юзага келиш жараёни, фикрни ифода этиш истаги амалга оширилиши, дейиш мумкин. Учинчидан, назорат-ижро жараёнини кўришимиз мумкин. Бунда гапиришнинг диалогик ва монологик кўринишлари амалга оширилади. Муаллиф гапиришга ўргатишнинг мазмунини лингвистик, психологик ва методологик қисмларга ажратади. Гапиришнинг лингвистик компоненти бу тил ва нутқ бирликларини амалга ошириш, бу билимлар ўқув машғулотлари жараёнида аниқ мавзулар юзасидан ўрганилади. Психологик компонент эса нутқда ҳис-ҳаяжонни, буёқдорликни қўллай олишидир. Нутқнинг методологик компоненти эса таяниш, яъни онгли равишда ўз нутқини амалга ошириш учун монологик нутқни эгаллаш, ўзлаширишни назарда тутати [Бредихина И.А., 2018; 31-35].

Диалогик нутқнинг яна бир жиҳати шуки, суҳбат юзма-юз, телефон ёки замонавий алоқа турлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Суҳбатдошларнинг билим даражаси, қизиқишлари, мулоқотга киришиш тажрибаларининг турлича бўлиши суҳбатнинг амалга оширилиши, мазмуни ва сифатига таъсир этади.

Чет тили бўйича В1 даражаси учун таълим мазмунида гапиришнинг диалог ва монолог кўринишларида қуйидагиларни бажариш талаб қилинади:

1) тайёрланган мавзу юзасидан суҳбатда иштирок этиш, интервью, маълумотнинг тўғрилигини текшириш ва тасдиқлаш; 2) тайёрланмаган мавзуда суҳбатда иштирок этиш (бизнинг тажрибамизда Ўзбекистонга саёҳат қилганда); 3) кутилмаган вазиятдаги мулоқотда иштирок этиш; 4) таниш мавзуларда ўз фикрини билдириш (китоблар, филмлар, мусиқа хусусида); 5) таниш ва камроқ таниш бўлган мавзуларда маълумот алмашиш; 6) дебатлар, баҳс-мунозараларда иштирок этиш.

Монолог тарзида тил ўрганувчи қуйидагиларни бажариши талаб қилинади:

1) таассуротлар, орзу-умидлар ва ниятларини ифода қилиш; 2) ихтисослик мав-

зуларида тақдимот қилиш; 3) ижтимоий ва касбга доир соҳаларда ўз фикрлари ва режалари ҳақида сўзлай олиш ва тушунтириб бера олиш; 4.) китоб ва филм мазмуни бўйича ўз таассуротларини тасвирлаш ва ҳикоя қилиш; 5) ҳикоя қилиш ёки муҳокама қилинаётган матн мазмунини содда иборалар билан қисқача гапириб бериш.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда чет тилни ўқитиш методикасида ўқитувчилар мустақил равишда ўқитиш усуллари, тамойиллари ҳамда ўқитиш воситаларини танлашлари, таълим дастурини амалга ошириш учун ижодкорлик билан ёндашишлари мумкин. Албатта, чет тилни ўқитиш бўйича турлича ёндашувлар ва усуллар мавжудлиги ўқитувчиларга амалий машғулотларни олиб боришда танлаш ҳуқуқини беради. Шунга қарамаздан, ўқув-услубий мажмуаларининг қўлланиши анча оммалашганлигини кузатамиз. Чунки нутқ фаолияти турлари бўйича, айниқса, гапиришга ўргатиш борасида шахсга йўналтирилган, компетенцияларга амал қилган ҳолда чет тилни ўргатиш тил ўрганувчиларга анча қулайликларни яратади. Биринчидан, ташкил этилган муҳит талабаларни ўзларини эркин ҳис қилишларига имкон беради, уларнинг қизиқишларини рағбатлантиради, чет тилни интенсив ўрганиш ва уни амалиётда қўллашга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади ва уларнинг тил ўрганишга нисбатан қизиқишлари янада кучаяди. Талаба ўқув жараёнига ижодкорлик билан ёндашади, мустақил ишларни катта қизиқиш билан бажаради, ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, унинг нутқни эгаллаш қобилияти турлича кўринишларда намоён бўлади.

Ўзбек тилининг иккинчи чет тил сифатида ўрганилиши асосан, 2,-3,- 4-ярим йилликларда ўтиладиган “Ўзбек тили иккинчи чет тили” сифатида ва 5,-6,-7,-8-ярим йилликларда ўтиладиган “Ўзбек тилининг иккинчи чет тил сифатида амалиёти” сингари фанлар асосида амалга оширилади. Асосий рол “Ўзбек тилининг иккинчи чет тили сифатида амалиёти” фанига қаратилади, чунки бу фанни ўрганиш давомида талаба чет тилни ўрганишда нафақат лаёқатлиликни, балки келажакда танлаган касб йўналиши бўйича ҳам кўп билимларни ўрганади, тажрибаси ошади, унинг шахсий фазилатлари ҳам ижобий томонга ўзгариб боради. Шунингдек, “Касбий мулоқотга тайёрлаш”, “Касбий мулоқотга йўналтирилган таржима” сингари махсус фанлар тил амалиётини ўтишда, талабанинг нутқий фаолияти янада ривожланишига ёрдам беради. Бу фанлар чет тилида талабаларни нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш турлари бўйича билимларини оширибгина қолмайди, талабанинг дунёқараши, тезкор фикрлашини ривожлантиради, салоҳиятини оширади [Рабочая программа дисциплины, Б1.О.19.03., 2019; 51].

Шундай қилиб, чет тилларни ўрганишнинг ҳозирги даврида, жумладан гапиришга, мулоқот фаолиятига ўргатиш сифатида қаралади. Демак, мулоқот фаолиятига ўргатишда янги инновацион шакл ва усулларни қўллаш амалга оширилади, бу эса талабаларнинг касб йўналишлари бўйича билим ва малакасининг ошиб бориши ва чет тилни ўрганишнинг мазмуни янада бойиб, сифати ва самардорлигининг ошиб боришига хизмат қилади.

Ўқув дастурларида ўзбек тилини чет тил сифатида ўрганаётган талабаларни гапиришнинг монолог кўринишига ўргатишда монологик нутқнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади: саломлашиш, ўзини таништириш, миннатдорлик билдириш, илтимос қилиш, узр сўраш, табрик нутқлари, мақтов, айблов ёки оқлаш нутқлари, маъруза, ҳикоя, тавсифлаш, тасвирлаш, бирор воқеа-ҳодисага нисбатан муносабат билдириш, ўз фикри ва хулосаларини баён қилиш ва бошқалар. Монолог ўз навбатида муайян тавсифларга эга, уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: нутқнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир мақсадни қўйиш ёки мақсадга мувофиқлик; фикрлар кетма-кетлиги; мантиқийлик; мазмун жиҳатидан фикрнинг тугалланган бўлиши; ифодалилик. Амалий машғулотлар давомида ўзбек тилини иккинчи чет тил сифатида ўрганаётган талаба ўқишнинг дастлабки босқичида монологнинг юқорида келтирилган жиҳатларига амал қилиши қийинроқ, лекин тил ўрганишнинг сўнгги босқичларида у ўз нутқи давомида монологнинг бу жиҳатларига амал қила олади. Тил ўрганаётган талабанинг монологик нутқи нотик айтаётган монологдан кескин фарқ қилади. Шунга қарамадан айтиш мумкинки, талабанинг дарс жараёнидаги монологи ҳам нутқ вазиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Албатта, бу жараёнда турли вазиятлар юзага келтирилади. Шундай вазиятлар асосида монологик нутқни амалга ошириш бўйича дарсликда бир қанча вазиятларни тавсия этамиз. Масалан, таклиф қилинган материаллар асосида “Хуш келибсиз” таклифи остида Россиядан келган сайёҳлар учун реклама дастурини тайёрлаш топшириқ сифатида берилади [Бакиева Г.Х., Караева Б.Х., Коршунова Е.Н., Краева И.А, Тешабаева Д.М., Фролова Г.М., 2012; 244-245].

Биринчидан, талаба берилган материални диққат билан ўрганиб чиқиши, матндаги асосий мазмунни илғай олиши ва шу асосда ўз фикрини баён қилиши, асослай олиши керак бўлади. Талаба бундай матнни, аввало, ўз она тилида ёзиб, уни таржима қилиши мумкин ва бевосита таржима давомида қайси сўзларни ишлатиш ўринли бўлиши, тингловчи диққатини жалб этишига ҳаракат қилади. Монологни айтиш ёки ижро этишда эса тўғри ва чиройли талаффузга, мантиқий урғу беришга, фикрни ниҳоялашга алоҳида эътибор берилади. Реклама кўринишидаги бундай кичик монолог-матнлар, ижодкорликка даъват этади ва талабанинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларини янада рағбатлантиради. Гуруҳнинг барча аъзоларига берилган бу топшириқлар бир-бирига ўхшаши мумкин, лекин улар сўз ишлатиш, фикрлар кетма-кетлиги, далиллар келтирилиши ва уларнинг тингловчиларга етказмоқчи бўлган фикрлари нуқтаи назардан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бу монологларни кичик монологлар дейишимиз мумкин. Ҳар бир талабанинг яққа нутқи эшитилгач, гуруҳдошлари томонидан ҳам муносабат билдирилади, гуруҳ аъзолари ўртасида ўз фикрларини ўртоқлашадилар. Нутқнинг мазмуни ва шаклий жиҳати, эгалик, келишик ва шахс-сон қўшимчаларининг тўғри ёки нотўғри қўлланилганлиги таҳлил қилинади.

Яна шундай топшириқлардан бири ўқилган ва яқунловчи саволлар берилган матнга муносабат билдирган ҳолда монологик нутқни оғзаки ифодалаш.



”Марғилон атласи” деб номланган матн юзасидан берилган топшириққа кўра талабалар ўзбек атлас матоси ҳақидаги матнни ўқиб, саволларга жавоб берадилар. Қуйидаги саволларга берилган жавоблар талабанинг монологик нутқини ташкил қилади:

1. Atlas qanday mato sanaladi?
2. Atlas to'qish qayerda rivojlanagan?
3. O'zbekistonning yana qaysi shaharlarida atlas to'qiladi?
4. Atlasdan nimalar tayyorlanadi?
5. Atlasning qanday mashhur nusxalari bor?
6. Atlas matosini xorijda hm bilishadimi?
7. Atlasdan tashqari yana qanday o'zbek milliy matolari bor?
8. Bu matolar qanday tolalardan tayyorlanadi?

9. Atlas haqida yana nimalarni bilasiz? [Бакиева Г.Х., Караева Б.Х., Коршунова Е.Н., Краева И.А., Тешабаева Д.М., Фролова Г.М., 2012; 256-257].

Бу матн лингвомамлакатшуносликка оид бўлиб, у ўзбек тилида берилган. Матнда Ўзбекистоннинг қадимдан атлас тўқиб келинган Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон ва Самарқанд каби шаҳарларининг номлари тилга олинади. Матн ва матн юзасидан берилган саволлар асосида монолог тайёрлаётган талабалар албатта, кўшимча манбаларга, ўзлари кўрган фильмлар қаҳрамонларининг, санъаткорларнинг атлас либослари ҳақида гаплар билан ўз матнларини тўлдирадидлар, шунингдек, мавзу юзасидан ўз фикрларини ҳам баён этадилар. Бу матн ўқишнинг иккинчи босқичи давомида монологик нутқ устида ишлаш юзасидан топширилади. Кейинги босқичларда монологик нутқ тайёрлаш бўйича матнлар мураккаблашиб боради, энг охирги босқичларда эса анча мураккаблаштирилган матнлар устида ишланади.

Ана шундай мураккаблаштирилган матнлар кейинги босқичларда берилди. Бундай матнлар Ўзбекистон тарихи, маданий мероси билан боғлиқ лингвомамлакатшунослик мавзуларида, талабаларнинг танлаган касб йўналишларига доир бўлади. Матнлар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилади, ўзбек тилида берилган матнлар рус тилига, рус тилида берилган матнлар ўзбек тилига таржима қилинади, шунингдек, матнлар юзасидан бир неча топшириқлар берилди.

Монологик нутқ тайёрлаш бўйича Ўзбекистоннинг тарихий маданий мероси мавзусида берилган матнлардан бирида қуйидаги топшириқлар берилган:

1. O'zbekistonning madaniy merosi haqidagi ma'lumotlar bilan tanishing. Madaniy meros namunalaridan biri haqida so'zlab bering.

2. O'zbekistonning qaysi me'moriy obidalari "Butunjahon ma'naviy merosi ro'yxati"ga kiritilgan?

3. Maqolaga ilova qilingan suratni sharhlang [Бакиева Г.Х., Караева Б.Х., Коршунова Е.Н., Краева И.А., Тешабаева Д.М., Фролова Г.М., 2012; 184-190].

Матн рус тилида, ундаги топшириқлар эса ўзбек тилида бўлиб, кейинги босқичларда ўрганиш учун мўлжалланган, мазмуни ва матн қурилишига кўра мураккаблаштирилган матнлар ҳисобланади. Матн рус тилида бўлганлиги учун талабалар матнни ўзбек тилига таржима қилдилар ва шундан кейингина

топшириқлар юзасидан ишлай бошлайдилар.

Ҳар бир ярим йиллик учун мўлжалланган ўқув дастурларида ижтимоий-сиёсий мавзуларда берилган матнлар эса талабалар учун танлаган касб йўналишлари нуқтаи назаридан қизиқарли бўлади. Ўзбекистон ва Россия муносабатлари, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик, шунингдек, дунё ҳудудлари билан боғлиқ мавзулардаги матнлар грамматик жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан таълим стандартларига мослаб тузилган. Бу матнларда берилган топшириқлар асосан, куйидагиларни қамраб олади: 1) матннинг асосий мазмунини тушуниш; 2) Матн юзасидан саволларга жавоб бериш; 3) матннинг мазмунини қисқача баён этиш; 4) матнни биринчи шахс номидан ёки ўзлаштира нутқ сифатида сўзлаб бериш; 5) матн юзасидан ўз фикрларини ифодалаш, муносабат билдириш; 6) матнга қисқача аннотация ёзиш; 7) матнни давом эттириш ёки уни далиллар, қўшимча маълумотлар билан бойитиш. Бу топшириқларни бажариш давомида талабанинг монологик нутқи янада бойиб, сайқалланиб боради, бу эса таълимда кўзда тутилган мақсадни амалга оширишга ёрдам беради. Талаба ҳар бир матнни намуна сифатида қабул қилади ва шунга ўхшаш мавзуларда фикрлаш, баҳс-мунозараларда иштирок этишга ҳаракат қилади. Бундай матнлар талабанинг нутқи учун таянч манба бўлади. Тил ўрганишнинг кейинги босқичларида ўрганиладиган бу каби матнларга кўра талабанинг монологи бир матн асосида эмас, балки бир неча матнлар асосида ёки она тили ва биринчи чет тилида ўқиган китоблари, кўрган фильмлари таассуроти натижасида тузилиши мумкин. Албатта, бу муайян режа, кетма-кетлик асосида амалга оширилгандагина, монолог мазмунли ва манتيқий бўлади. Талаба бошқа фанлар юзасидан олган билимларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Айтиш мумкинки, фикрни ифодалаш, нутқнинг монолог ёки диалог кўринишида амалга ошириш ўқув-педагогик жараён сифатида юз беради ва уни бир неча босқичга ажратиш мумкин:

1. Мавзу бўйича сўз, сўз бирикмаларини танлаш жараёни.
2. Фикрни жамлаш ва кетма-кетликда баён қилишни режалаштириш.
3. Гапларни тузишда грамматик қоидаларни ёдда тутиш, биринчи навбатда эгалик, келишик, шахс-сон қўшимчаларига эътибор бериш.
4. Фикрни ифодалаш, ўз муносабатини билдириш.

Фикрни ифодалаш, монологик нутқни амалга ошириш ёки диалогик нутқда иштирок этиш учун тилнинг лексик ва грамматик материалигина етарли эмас, тилнинг экстралингвистик воситалари, нутқ темпи, хабар, дарак, буйруқ ёки сўроқ мазмунини ифодалаб бера олиш, секинлашиш, тиниш ҳолатлари, тилда мавжуд бўлган ўзига хос имо-ишоралардан ҳам фойдалана олиш фикрни суҳбатдошга, тингловчиларга тўлиқ етказиб беришда катта рол ўйнайди.

Шундай қилиб, амалий машғулотлар жараёнида монологик ва диалогик нутқ бўйича олиб бориладиган машқларни асосан, икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси – тил материали бўйича бажариладиган оддий машқлар, яъни, машқ қилиш учун машқлар ҳам дейишимиз мумкин, бунда гап қурилиши юзасидан, сўзларни, жумлаларни ва гапларни тўғри тузиш ва ўқиш билан бу

машқларни давом эттириш мумкин. Бунда нутқдаги, гапларни тузиш бўйича хатоларни тўғрилаш устида машқлар бажарилади. Бу машқлар бир неча марта такрорланиши мумкин. Шунингдек, бундай машқларда ўз монологини айтган сўзлари талабанинг сўзларини эслаб қолиш ва такрорлаш ёки ўзлаштирма нутқ сифатида, қайта сўзлаб бериш бу машқларнинг ўзлаштирилишини янада мустаҳкамлайди. Иккинчи гуруҳ машқлари – мулоқот машқларидир. Бунда бирор ахборотни етказиш бўйича машқларни бажариш мумкин. Халқаро муносабаталар, ижтимоий-сиёсий йўналишлардаги талабалар билан машғулотларда ҳар бир дарсни дунё миқёсида ёки аниқ бир мамлакат миқёсидаги янгиликлар билан бошлаш ҳам яхши самара беради. Ҳар бир дарснинг бошланишида талабада бу мавзуда янгиликларни айтиш истаги ошиб бораверади. Бу янгиликларнинг асосий мазмуни Ўзбекистон ва Россияда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий янгиликлар, шунингдек, жаҳонда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар ва муаммолар мавзуларида бўлади. Дастлабки босқичларда талабалар икки ёки уч гап ёрдамида тузилган кичик монологик нутқларини тайёрлаган бўлса, кейинги босқичларда бу янгиликлар каттароқ матнларга айланиб боради, энди бу матнларда тафсилотлар тўлиқ баён этилган, далиллар кўпайтирилган, хулосаланган ва талабанинг муносабати билдирилган кўринишда давом этади. Хулоса шуки, талабанинг нутқ малакаси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, бундай машқларни давом эттириш, агар зарур бўлса, нутқий мулоқотни шакллантирувчи бундай машғулотларни янада кўпайтириш зарур бўлади.

Шунинг билан бир қаторда монологик ва диалогик нутққа тайёрлаш жараёнида баъзи бир қийинчиликлар ҳам мавжуд. Мулоқотга киришиш учун берилган топшириқни етарлича тушунмаслик, тил ва нутқ воситаларини етарлича билмаслик ва тортинчоқлик, ҳадик, ўзига нисбатан ишончнинг йўқлиги талабаларнинг чет тилда нутқини ўстириши, нутқий мулоқотга талабаларнинг тез киришиб кетишига халақит беради. Ўқитувчи томонидан яратилган муҳит, эркин мулоқот учун етарли шарт-шароитлар талабаларни дарсда фаол иштирок этишларига олиб келади.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Bakiyeva G. X., Karayeva B. X., Korshunova YE. N., Krayeva I. A, Teshabayeva D. M., Frolova G. M. *Uzbekskiy yozik dlya stran SNG*. – M.: FGBOU VPO MGLU, 2012. – 331s.
2. Bredixina I. A. *Metodika prepodavaniya inostrannix yazikov. Obucheniye osnovnim vidam rechevoy deyatelnosti. Uchebnoe posobiye*. Yekaterinburg: 2018. – 108 s.
3. Breygina M.YE. Shepilova A.V. *Obucheniye chteniyu. Metodika obucheniya inostrannim yazikam: traditsii i sovremennost (pod redaksiy. A.A Mirolyubova)* Obninsk: 2010. S. 151-178..
4. Folomkina S.K. *Obucheniye chteniyu na inostrannom yazike*. – M.: Visshaya shkola 2005. –185 s.
5. Frumkina R.M. *Psixolingvistika: Uchebnoye posobiye dlya studentov visshix uchebnix zavedeniy*. – M.: Izdatelskiy sentr: Akademiya, 2003. – 320 s.
6. Hoshimov U., Yoqubov I. *Ingliz tili o'qitish metodikasi*. –T.: Sharq, 2003. –302 b.
7. Jalolov J.J. *Chet tili o'qitish metodikasi: Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik*. –T.: O'qituvchi, 1996 368 s.

8. Jinkin N.I. Mexanizmi rechi. –M.: APN RSFSR, 1958. –370 s.
9. Kuznetsov I.N. Sovremennaya delovaya ritorika. –M.: Gross Media 2007. – 320 s.
10. Lapidus B.A. Obucheniye vtoromu inostrannomu yaziku kak spetsialnosti. –M., Visshaya shkola.1980. – 172s.
11. Masliko YE.A., Babinskaya p.K i drugiye. Minsk: Visshaya shkola. 2004. –552s.
12. Rabochaya programma dissiplini, B1.O.19.03 Inostranniy yazik (vtoroy) uzbekskiy, 41.03.01–Zarubejnoye regionovedeniye) napravlennost (profil, spetsializatsiya) obrazovatelnoy programmi: Mejdunarodno-politicheskiy analiz regionov mira. –M.: 2019. – 51s.
13. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. O'quv qo'llanma. –T.: O'qituvchi, 1993. –160s.
14. Raxmanov I.V. Obucheniye ustnoy rechi na inostrannom yazike. Uchebnoye posobiye. –M.: 1980. – 119 s.
15. Rogova G.V., Rabinovich, Saxarova T.YE. Metodika obucheniya inostrannim yazikam. – M.: Prosvesheniye, 1991. – 287s.
16. Sokolov A.N. Vnutrenyaya rech i mishleniye. –M.:APN SSSR, 1967. –36 s.
17. Shvarts L.M. Psixologiya navika chteniya. – M.: Visshaya shkola.1941. –143s
18. Xodjayev M., Qahhorova M. Chet tili o'qitish metodikasi. –T.:O'qituvchi, 2003. –302 s
19. Zimnyaya I. A.Psixologiya obucheniya inostrannim yazikam v shkole. –M.: Prosvesheniye, 1991–219 s.